


ЁҚУБ ЮСУПОВИЧ ДЕВОНОВ

Муҳаммад Ёқуб 1906 йил Хива шаҳрида таваллуд топган. Унинг отаси Муҳаммад Юсуф девон дастлаб Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг хос маҳрамларидан Мамат маҳрамнинг котиби бўлган. Мамат маҳрам вафотидан сўнг Муҳаммад Юсуф девон хонликда масъул лавозимларда, жумладан, молия вазири сифатида ҳам иш олиб борган. Ўғли Муҳаммад Ёқуб (Матёқуб) аввал 1915 йилгача эски мактабда савод чиқарди, сўнг Тўрткўл шаҳридаги З синфлик рус-тузем мактабини тугатади. 1920 йил 1 февраль куни Хивани қўлга киритган Скалов хонликнинг юқори амалдори Давлат Мурод маҳрамни отиб ўлдиради. Хонликнинг молия ишларини юритган Муҳаммад Юсуф девоннинг жонини қизил аскарлардан Жуманиёз Султонмуродов сақлаб қолади.



Муҳаммад Ёқуб Муҳаммад Юсуф девон ўғли Хоразм компартияси марказий қўмитаси томонидан Туркбюро партия мактабига ўқишига юборилади. Шундан сўнг унингтакдири ҳам Давлат Ризаев, Воис Раҳимий, Карим Болтаев каби бошқа хоразмлик ёшлар қаторида комсомол ташкилоти билан боғланади. Бу пайтда ташкилот оддий қилиб “Хоразм ёшлар бирлиги” деб аталар эди. Улар Хоразм мустақил мамлакат деб, Хоразм ёшлар иттифоқини Россия комсомолига бўйсундиришидан бош тортадилар.

Матёқуб Девонов 1921-23 йилларда Хоразм комсомоли Марказий кенгashiда ишлар бошқармасида бошлиқ, 1924-25 йилларда Хоразм комсомоли маданий-оқартув бўлими мудири ва Марказий кенгаш котиби лавозмларида иш олиб борди. У Хоразм воҳасида халқ хўжалини тиклаш ва ривожлантириш ишига ёшларни кенг жалб этиб, улкан ютуқларни қўлга киритди. Матёқуб Девоновнинг хизматлари XXР хукумати томонидан “Меҳнат қизил байроқ ордени” билан тақдирланади.

XXР тугатилгач эса 1925-26 йилларда Ўзбекистон комсомолида ташкилий бюро раиси ва 1927-28 йилларда Марказий кенгаш котиби

лавозимларида хизмат қиласи. Матёкуб Девонов 1928-31 йилларда Москвада Коммунистик ёшлар интернационали (КИМ) Ижроия комитетида Яқин Шарқ бўлими мудири ва референт бўлиб ишлайди. У араб, форс, рус, француз, инглиз тилларини мукаммал билгани учун бу йилларда Буюк Британия, Германия, Эрон, Монголия, Хиндистон ва бошқа қўплаб мамлакатларда ўтказилган халқаро тадбирларда иштирок этади.

Матёкуб Девонов 1931-33 йилларда Қизил профессорлар институтида таҳсил олди. Сўнг Тошкентга келиб, 1933 йилдан Янгийўл Машина-трактор станцияси (МТС)да сиёсий бўлим бошлиғи ва 1935 йилдан то қамоқقا олинганига қадар Калинин туманида партия кенгашининг биринчи котиби лавозимида иш олиб борди.

1937 йил 29 сентябрь куни Яқуб Девоновни ЎзССР ЖКнинг 67-моддаси билан айбланиб қамоқقا олишади. Шу куннинг ўзида унинг Тошкент шаҳри, Бородинская кўчаси 22-хонадонида тинтув ўтказилди. 1937 йил 30 сентябрь куни тўлдирилган анкетасида ёзилишича, унинг оиласи турмуш ўртоғи 23 ёшар Мунаввар Султонова ва 2 ёшли қизи Розадан иборат бўлган.

Матёкуб Девоновнинг 1937 йил 10 октябрь куни сўроқда унинг ижтимоий келиб чиқиши, ўтмиши, онаси, укаси Латиф ва синглиси Абдулҳамид Мажидийнинг турмуш ўртоғи Шарифа Девоновалар хақида суриштиришади. 1937 йил 26 октябрдан 17 декабргача муттасилдавом этган қийноқлар ортида у қўлига тутилган барча қофозларни имзолайди ҳамда ўзига ўзи тухмат қиласи.

1938 йил 3 октябрь куни Матёкуб Девонов Карим Абдубакиров ва Содик Болтаевлар билан юзлаштиришда ўзига қўйилган айбловларни тўлиқ рад этади.

Айблов баённомасида Матёкуб Девоновга ЎзССР ЖКнинг 58, 64, 63, 67 -моддалари қўлланади. Машъум “учлик” суди 1938 йил 4 октябрь куни соат 23 30 дан 23 35 гача, атиги 5 минут давом этди. У судда дастлабки тергов пайтида берган кўрсатмаларининг ҳаммасидан воз кечди ва ўзига қўйилган

айбловларни тан олмади. Бироқ, суд уни отувга ҳукм этади ва шу куннинг ўзида отиб ташланади.

Тошкент шаҳар, Хоразм қўчаси 24 уйдан Минаввар Султонова СССР Олий Судига ариза билан мурожаат этиб, турмуш ўртоғи Ёқуб Девоновнинг тақдиди билан қизиқади. 1957 йил 8 январь куни ЗАГС бўлимидан қўйидаги мазмунда ёлғон маълумотнома келади: “Девонов Ёқуб Юсупович (1906) 1938 йил 15 декабрдаги СССР Олий Суди Ҳарб коллегияси томонидан ҳукм қилинган ва 1941 йил 5 январда жазони ўташ даврида вафот этган”.

Матёқуб Девонов 1957 йил 1 август куни СССР Олий Суди Ҳарб Коллегияси томонидан оқланади ва 1957 йил 21 октябрда Минаввар Султонова эрининг оқлангани ҳақида огоҳлантирилади.

Матёқуб Девонов қамоқقا олинган вақтда 2 ёшли гўдак бўлган қизи санъатшунослик фанлари номзоди Роза Азизова (Ўзбекистон халқ артисти Турғун Азизовнинг рафиқаси) Москва Давлат университети филология факультетини тутатгач, узоқ йиллар давомида дастлаб Санъатшунослик институтида катта илмий ходим, кейин Санъат ва рассомчилик институтида рус тили ва адабиёти кафедраси мудири бўлиб ишлаган.

Манба: Б.Ирзаев, Ю.Рахмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби (91-94 бет).